БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 81 (2114).

24 АПРЕЛЬ СЕШАНБА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

## Яшасин улуғ революцион таълимот, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!




Москва, СССР Большой театри, 1962 йил 22 апрель, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 92 йиллигига бағишланган тантанали мажлис президиумида. **В. Володин** ва **А. Пахомов** фотоси.

# ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

МОСКВА, 23 апрель. (ТАСС). Бугун Москвада олтинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси иш бошлади.

Соат 16 да палаталарнинг алоҳида-алоҳида мажлислари очилди.

**Иттифоқ Советининг** депутатлари Катта Кремль саройига тўпландилар. Залда меҳмонлар кўп. Дипломатия корпуси, совет ва чет эл матбуотининг ложалари одамлар билан лиқ тўлган. Ҳукумат ложаларида давомли қарсаклар билан кутиб олинган Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари ўтирибдилар.

Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан, Иттифоқ Советининг энг кекса депутати академик **А. Е. Арбузов** қисқача нутқ сўзлаб, олтинчи чақириқ Иттифоқ Советининг биринчи сессиясини очади.

Иттифоқ Советининг Раиси қилиб якдиллик билан депутат **И. В. Спиридонов** сайланади.

Кремль театрида **Миллатлар Советининг** мажлиси бўлди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари ҳукумат ложаларига чиққанларида депутатлар ва меҳмонлар уларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Оқсоқоллар кенгашининг топшириғига биноан, энг кекса депутат **О. В. Куусинен** Миллатлар Советининг мажлисини очади.

Миллатлар Советининг Раиси қилиб якдиллик билан депутат **Я. В. Пейве** сайланади.

Палаталарнинг мажлисларида сессия мажлисларининг регламенти тасдиқланди. Ҳар иккала палата ўз мажлисларида сессиянинг қуйидаги кун тартибини якдиллик билан қабул қилди:

1. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Мандат комиссияларини сайлаш.
2. Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Доимий комиссияларини сайлаш.
3. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
4. СССР Олий Совети Президиумини сайлаш.
5. Женева музокаралари тўғрисида доклад.
6. СССР ҳукумати—СССР Министрлар Советини тузиш.
7. СССР Олий судини сайлаш.
8. СССР янги Конституцияси проектини ишлаб чиқиш тўғрисида.

# ЕНГИЛМАС ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

### ССР ИТТИФОҚИ БОЛЬШОЙ ТЕАТРИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Бутун ер юзидаги меҳнат аҳли учун чексиз азиз ном бор. Инсониятга йўлчи юлдуз бўлиб нур сочаётган бу ном Ленин номидир. Бу барҳаёт ном инсон озодлиги учун, унинг чинакам бахт-саодати учун курашга чорлайди.

Мамлакатимиз халқларининг Ленинга муҳаббати уларнинг Ленин васиятларига садоқатида, қаҳрамонона зафарларида, оташин совет ватанпарварлигида ёрқин ифодасини топмоқда. Улар улуғ йўлбошчи белгилаб берган йўлдан ўз асл мақсадлари — коммунизм сари дадил бормоқдалар.

Партиямизнинг XXII съезди коммунистик жамият йўлидаги оламшумул-тарихий босқич бўлди. Съезд даврий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатни — КПСС янги Программасини қабул қилди. Замонимизнинг бу Коммунистик манифести ҳамма қитъаларда илмий коммунизмнинг тантанаси деб кутиб олинди.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 92 йиллигини совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг улуғвор Программасини амалга оширишга қаратилган ўзининг жўшқин яратувчилик фаолияти авж олган вазиятда кутиб олмоқда.

Ватанимиз пойтахти Москвада ўтказилган тантанали мажлис бу шонли кунни байрам қилишдаги марказий воқеа бўлди.

22 апрель. ССР Иттифоқи Большой театри. Совет ҳокимиятининг тонгида Ильичнинг илҳомбахш нутқи неча марталаб янграган зал.

Саҳна тўрида — В. И. Лениннинг катта портрети қизил алвон фонига қўйилган. Жанговар байроқлар ёнида фахрий ҳарбий қоровул турибди. «1870—1962» рақамлари порлайди. Саҳна тепасида: «Яшасин ғолибона ленинизм байроғи!» деб ёзилган.

Залда ишчилар, фан ва маданият арбоблари, колхозчилар, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, чет эл меҳмонлари ўтиришибди.

Кеч соат 5. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, В. В. Гришин, Ш. Р. Рашидов, К. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев, А. Н. Шелепин ўртоқлар, кекса коммунистлар, ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик бригадаларнинг раҳбарлари, кўзга кўринган олимлар, конструкторлар, ҳарбий бошлиқлар президиумда жой оладилар. Залдагилар уларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

В. И. Ленин туғилган куннинг 92 йиллигига бағишланган тантанали мажлисни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев очади. У бундай дейди:

Азиз ўртоқлар!

Бугун совет халқи, бутун дунёдаги илғор кишилар улуғ мутафаккир ва революционер, Коммунистик партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси, прогрессив инсоният йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 92 йиллигини тантанали нишонламоқдалар.

Жаҳоннинг коммунистик асосларда янгиланиши Ленин номи билан чамбарчас боғланган. Ленин ҳозирги даврдаги буюк революцион ўзгаришларни бошлаб берди. Марксча-ленинча таълимот баҳор қуёшидек эндиликда ер юзининг ҳамма қисмларига нур сочмоқда.

Марксизм-ленинизм янгидан-янги миллионлаб ва ўн миллионлаб кишиларни озодлик ва бахт-саодат учун курашга отлантириб келди ва отлантирмоқда. Бутун дунё меҳнаткашларининг озодлик кураши бамисоли қудратли баҳор тошқинидек планетамиздан эски, ўз умри тугаб бораётган капиталистик дунё разолати ва моғорини ювиб ташламоқда.

Ленин ва у тузган коммунистлар партияси мамлакатимиз ишчилар синфини, меҳнаткашларини эксплуататорлик тузумини ағдариб ташлаш учун курашга отлантирди. Ленин номи билан, ленинизм байроғи остида биз буюк ғалабаларга эришдик, жаҳонда биринчи социалистик давлат қурдик. Партия ҳамма қийинчиликларни енга бориб, халқимизни бирдан-бир тўғри йўлдан, Ленин йўлидан коммунизм сари дадил бошлаб борди ва бошлаб бормоқда.

Ленин идеялари асосида партия ўзининг учинчи Программасини — коммунистик жамият қуриш программасини ишлаб чиқди.

Ленин номи билан, Ленин идеялари байроғи остида биз коммунизмнинг нурафшон чўққилари сари дадил бормоқдамиз ва етиб борамиз! **(Давомли қарсаклар).**

Ленин идеялари, марксизм-ленинизм идеялари бизнинг қалбимизда, барча меҳнаткашларнинг қалбида ҳамиша яшайди, инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм учун курашга илҳомлантиради. **(Давомли қарсаклар).**

Ўртоқлар, Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг йиллигига бағишланган тантанали мажлисни очишга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Совет Иттифоқи гимни ижро этилади.

Доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ **Л. Ф. Ильичевга** сўз берилади.

*(Ўртоқ Л. Ф. Ильичев доклади газетанинг 1, 2 ва 3-бетларида босилган).*

Доклад тугагандан кейин мажлис қатнашчилари баланд руҳ билан партия гимни «Интернационал»ни куйлайдилар.

Тантанали мажлисдан кейин катта концерт бўлди. (ТАСС).

# ЯНГИ СОЦИАЛИСТИК МУНОСАБАТЛАР СИМВОЛИ

**МОСКВА, 20 апрель. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг раҳбар арбоблари В. Гомулка, А. Завадский, Ю. Циранкевичлар Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежневга телеграмма юбордилар. Шу телеграммада улар Польша билан СССР ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги даврда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган кунга 17 йил тўлиши муносабати билан ўзларининг энг яхши истакларини ва табрикларини изҳор қилдилар.**

**Апрель шартномаси, дейилади телеграммада, халқларимиз тарихида гитлерчилар фашизмига қарши оғир уруш йилларида халқларимизнинг биргаликда олиб борган кураши ва тўкилган қонлари билан мустаҳкамланган бузилмас дўстлик ва қардошликнинг мустаҳкам негизларига суянувчи янги социалистик муносабатларнинг символидир.**

**Совет Иттифоқи билан иттифоқ ва дўстлик, шунингдек социалистик давлатларнинг улуғ оиласига мансуб бўлиш поляк халқига Одер-Нейсе бўйлаб чегараларнинг хавфсизлигини ғарбий герман ревизионизми ва реваншизми доираларининг суқулиб киришидан гарантиялайди.**

**Телеграммада ҳар иккала халқ ва мамлакат ўртасида қардошларча бузилмас дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам социализм ва тинчлик ишига хизмат қилган ҳолда мустаҳкамлана беради ва ривожлана беради, деб ишонч билдирилади.**

* * *

**Польша ташқи ишлар министри А. Рапацкий шу муносабат билан СССР ташқи ишлар министри А. Громикога табрик телеграммаси юборди.**

# Ўзбекистон ёшларининг меҳмонлари

ВЛКСМ XIV съездида меҳмон сифатида қатнашган чет эл ёшлар ташкилотлари вакилларининг бир группаси ўтган якшанба куни Ўзбекистонга келди. Шаҳар ёшларининг қўли билан байрамдагидек безатилган Тошкент уларни шодиёна кутиб олди.

Меҳмонлар орасида Польша қишлоқ ёшлари союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Юзеф Тейхма, София шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Георгий Атанасов, Болгария комсомол Смолян округ комитетининг секретари Дофинка Узунова, Исроил комсомол Марказий Комитетининг секретари Б. Гнездовичлар бор.

(ЎзТАГ).

# ЛЕНИН ЙЎЛИДАН КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ

### *В. И. ЛЕНИН туғилган куннинг 92 йиллигига бағишлаб, Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ доклади*

Ўртоқлар!

Халқлар бахт-саодати учун курашган буюк сиймоларнинг номларини инсоният ўз хотирасида меҳр-муҳаббат билан ардоқлаб сақлайди.

Владимир Ильич Лениннинг номи ана шу сиймолар орасида алоҳида ўрин тутади. В. И. Ленин ҳаётда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатди. Унинг ғоялари, унинг иши ҳозирги ва бўлажак авлодларнинг тақдирларида сўнмас из қолдирди. В. И. Лениннинг фаолияти кўп қиррали ва поёнсиздир. «Ер юзида ўтган ҳамма одамлардан энг дунёвийси» бўлган В. И. Ленин шундай бир янги дунёнинг кишиси эдики, у ана шу дунёни барпо қилишга ўзининг бутун ажойиб умрини бағишлади.

«Лениндек» ишлаш ва ўз ҳаётини «Лениндек» қуриш — замонамиз кишисининг энг эзгу идеалидир.

Унутилмас устозимиз ва йўлбошчимиз туғилган кунда биз Лениннинг абадий барҳаёт генийсини қайта-қайта ҳурмат билан хотирлаймиз, ўз-ўзимизни синовдан ўтказамиз ҳамда унинг улуғ васиятларини қандай бажарганлигимиз ҳақида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчисига гўё ахборот бергандай бўламиз.

Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилгандан сўнг кўп ўтмай, В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Капитализм ва унинг қолдиқларининг йўқ қилиниши, коммунистик тартиб асосларининг ўрнатилиши жаҳон тарихининг ҳозир бошланган янги даврининг мазмунини ташкил этади». (Асарлар, 31 том, 412-бет). Орадан атиги тўрт ўн йиллик ўтгач, партия XXII съездда — коммунизм қурувчилар съездида: Совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди, деб тантанали равишда эълон қилди! **(Қарсаклар).**

Совет халқи бугун В. И. Ленин туғилган куннинг 92 йиллигини нишонлар экан, ифтихор билан шундай деб айта олади: — Қадрдон Владимир Ильич! Партия, унинг Марказий Комитети бизни сен кўрсатиб берган йўлдан тўғри, аниқ бошлаб бормоқда! Биз коммунистик жамият қурилишининг ҳал қилувчи марраларига штурм қилмоқдамиз!

**I.**

## ПАРТИЯ ЛЕНИН МАСЛАҲАТЛАРИГА АМАЛ ҚИЛМОҚДА

Ўртоқлар! Марксизм-ленинизм капитализмдан социализмга ўтиш даврида ижтимоий тараққиётга кўрсатиб келганидек ва кўрсатишда давом этаётганидан, ўз замонасининг ижтимоий тараққиётига чуқур революционлаштирувчи таъсир кўрсатган бошқа бирон таълимот тарихда бўлмаган эди. Эндиликда Маркс — Энгельс — Ленин таълимоти миллионларнинг таълимоти ва байроғи бўлиб қолди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

